


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент 2021



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.
- Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил « 24 » 08 _____ даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1.	60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3.	60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	6
2.	60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	8
2.1.	Умумий компетенциялар.....	8
2.2.	Касбий компетенциялар.....	8
	Библиографик маълумотлар.....	9
	Келишув варағи	11

**1. 60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари)
бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи**

60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини, соғлиқни сақлаш соҳаси тизимларини, молия ва иқтисодиёт соҳаси тизимларини, таълим соҳаси тизимларини, давлат ва жамият бошқаруви соҳаси тизимларини ҳамда ижтимоий таъминот соҳаси тизимлари мажмуини қамраб олади.

1.2.2. 60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида ижтимоий ишнинг назарий асосларини амалиётда тадбиқ этиш;

– Маҳаллаларда оилалар, болалар, ёшлар ва кексалар ижтимоий манфаатларини химоя қилувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари, хайрия жамғармаларида профессионал мутахассис сифатида ишлаш;

- ота-она қарамоғисиз қолган болалар институционал муассасаларида ижтимоий иш ходими сифатида фаолият юритиш;
- вояга етмаганлар билан ишлашнинг барча тизимларида фаолият юритиш;
- Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида кам таъминланган кўп фарзандли оилаларга ижтимоий кўмаклашиш тизимида фаолият юритиш;
- Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида ижтимоий муҳтож оилалар ва болаларга соҳалараро ёрдамни ташкил этиш;
- оилалар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш тизимида ишлаш;
- ижтимоий суғурта тизимида фаолият юритиш;
- оилалар ва болалар ижтимоий муаммоларини илмий-тадқиқ этиш институтларида илмий фаолият юритиш;
- оилалар ва болалар билан ижтимоий иш олиб боришда дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва ёшлар билан профилактик тадбирларда иштирок этиш;
- Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказда ишлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Омбудсманларида фаолият юритиш;
- ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият органларининг болалар ва ёшлар билан ишлаш тизими менежментида ташкилий бошқарувида ишлаш;
- болалар ва ёшлар муаммоларини илмий-тадқиқ этиш институтларида илмий фаолият юритиш;
- уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатларида ишлаш;
- пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимларида иш юритиш;
- Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида кексалар билан боғлиқ бўлган барча фаолият турлари бўйича ишлаш;
- маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотларга кўмаклашиши;
- маҳаллаларда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо тизими ва бандликни мувофиқлаштирувчи ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш;
- маҳаллаларда социологик тадқиқотлар (интервью, сўров ва социал экспериментлар ва ҳ.к.з.) ўтказиш;
- ногиронлиги бўлган шахслар билан зарур бўлган ижтимоий муносабат ва мулоқотни ўрнатиш;
- ногиронлиги бўлган шахсларга ва ногиронлиги бўлган болаларга мослаштирилган услубий-амалий текширувни аниқлаб олиш (якка тартибда ёки гуруҳ тарзида суҳбат, сўров, ижтимоий маълумотларни тўплаш, интервьюларни ижтимоий таҳлил қилиш, социал эксперимент амалиётларини ўтказиш);
- Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги ва вазирликнинг ҳудудий ҳамда маҳаллий марказларида оилалар билан ишлаш ва улар билан ишлашда ижтимоий иш усуллари орқали уларни баҳолаш;

1.2.3. 60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув.
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- маънавий-маърифий фаолият;
- ташкилий-бошқарув фаолият;
- амалий фаолият(Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида).

1.2.4. 60920100 – Ижтимоий иши (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60920100 – Ижтимоий иши (фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофик бакалаврият биттирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

– Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида ижтимоий хизмат ва ижтимоий ҳимоя дастурларини мустақил режалаштириш ва амалга оширишда кераклик ресурсларни қидириш;

– Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий хизмат кўрсатувчи ҳодим, мутахассис ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ташкиллаштириш, назорат қилиш, мониторинг ҳамда баҳолашни амалга ошириш;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида бошқарув қарорини қабул қилишда ахборот технологияларни қўллаш;

– ижтимоий соҳага илгор ҳалқаро тажрибани самарали жорий қилиш;

– Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида оилалар ва болаларнинг атроф-муҳитини, меҳнат хавфсизлигини ва ҳаёт фаолиятини ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни ташкиллаштириш;

– Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида кексаларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида кўнгилчилар (волонтерлик) фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда фаол иштирок этиш;

– Республика ва ҳудудлар кесимида ногиронликни ўзига хос кечиши, ривожланиши ва келгусидаги ҳолати, натижалари ва муаммолари, уларни олдини олиш ёки мавжуд кўникмаларни бартараф этишга доир таклиф, тавсияларини бериш;

– ногиронлик ва ногиронлар ҳаётига оид аниқ назарий-илмий хулосаларга асосланиб, жамият тараққиётининг келажаги, жумладан ногиронларни жамиятга уйғунлашуви, тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишини таъминланиши, дискриминацияга чек қўйилишини келгусида тўлиқ амалга оширилиши ҳақида ва уни режали равишда ривожлантириш истиқболларини белгилаб бериш;

– ногиронлик ва ногиронлар тиббий-ижтимоий реабилитацияси, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий хизмат кўрсатишга доир Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мунтазам ўрганиш ва ижросини таъминлаш борасида фаолият юритиш;

– ўз мутахассислиги бўйича режали равишда малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

– маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш марказларида ва маҳаллаларда малакавий амалиётни амалга ошириш;

– оилалар, ёшлар ва болалар ҳаётини вазиятларини баҳолаш;

– ижтимоий ёрдам ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг индивидуал дастурларини ишлаб чиқиш;

– оилалар, ёшлар ва болаларга ижтимоий маслаҳат ва ижтимоий кўмак кўрсатиш;

– оилалар, ёшлар ва болаларга ижтимоий хизмат кўрсатувчи ва ижтимоий ҳимояни тартибга солувчи меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш;

– маҳалла ва оила муаммоларини тадқиқ этиш ва уларни социологик таҳлил қилиш;

– ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий хизмат масалалари бўйича маслаҳатлар бериш, шунга мос ташкилотларга йўналтириш;

- мажбурият юклатилган назоратни амалга оширувчи қарамоғ ўрнатилган оилалар ва болаларга соғлиғи туфайли ёрдам кўрсатиш;
- маҳаллаларда онлавий тадбиркорликни ташкил этишда ёрдам кўрсатиш;
- маҳаллаларда онлавий тадбиркорликни ташкил этиш учун ҳуқуқий, молиявий ва солиққа онд масалаларни ҳал этишда маслаҳат бериш;
- амалий фаолиятда ижтимоий ишнинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- амалий фаолиятга замонавий технологияларни жорий қилиш;
- фаолиятнинг профессионал ижтимоий-иқтисодий масалаларини замонавий ётақчи илм ва техника асосида ечиш;
- меҳнат фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, инсон саломатлиғи ва ишга лаёқатлиларни қўллаб қувватлаш методларидан фойдаланиш;
- аҳолининг турли қатламларига ижтимоий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш;
- кексаларга ғамхўрлик қилиш, уларга доимий потронаж ва уй ёрдамини ташкил қилишда иштирок этиш;
- кексаларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида кўнгиллилар (волонтерлик) фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;
- боқувчисини йўқотган, ёлғиз кексалар уйларига борилганда уларнинг доридармонидан хабар олиш, уйларини тозалаш ва бошқа маиший хизмат кўрсатишда мутахассис, ходимларни жалб этишда иштирок этиш;
- ногиронлиғи бор шахсларнинг ижтимоий ва тиббий масалаларга доир ҳаётини барча жараёнларига таалукли борликни, муаммоларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, ёзма статистика манбаларини тадқиқ қилиш, солиштириш, текшириш оқибатида ижтимоий тараққиёти, унинг объектларини, институтларини социологик методология ва илмий текшириш усуллари ёрдамида ўрганиш;
- марказ жамоаси ва ногиронлиғи бор шахслар ҳақида дастлабки маълумотлар уларнинг эҳтиёжлари, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, ижтимоий муҳитдаги ориентациялари қиймати ҳақида, мотивлар, реал фактлар, феълел атвор ва моҳиятга таалукли фактлар, ижтимоий фикрлар ва маълумотлар тўплаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш натижалари бўйича аниқ тиббий-ижтимоий хулосалар чиқариш;
- ижтимоий соҳага ривожланган мамлакатларда қўлга киритилган ютуқларни босқичма-босқич қўллаш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Илмий-тадқиқот фаолиятда:

- касбий фаолиятда ижтимоий иш соҳасида иш юритиш тизимларида замонавий методларини қўллаш;
- истиқболлий илмий-тадқиқот муаммоларини ажрата олиш;
- тадқиқотнинг назарий-методологик базасини ишлаб чиқиш;
- тадқиқотнинг режа ва дастурини тузиш;
- маълумотларни интерпретация, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва жамлаш методларини қўллаш ҳамда олинаётган эмпирик маълумотлар ҳақида тасаввур қилиш;
- интернет ва кутубхона-маълумотларидан фойдаланган ҳолда илмий ва амалий маълумотлар қидирувини амалга ошириш,
- интернет тармоғида янги илмий, ижтимоий соҳа ютуқлари ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Маънавий-маърифий фаолиятда:

- инсонийлик, меҳр-мурувват ва ҳайрия масалаларида аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишлар ўтказиш;

– кексалар ва ногиронларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси масаласида тушунтириш ишларини олиб бориш;

– ёшлар ташкилотларида ва маҳаллаларда маънавий-маърифий масалалар бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

– Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид манбалардан илмий, маънавий-маърифий соҳада фойдаланишни ташкиллаштириш;

– умуминсоний кадриятлар – инсонийлик, ижтимоий адолат, шахс шаъни ва ғурурини ҳурмат қилиш, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни ижтимоий ишнинг профессионал-этик асос сифатида очиб бериш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

2. 60920100 – Ижтимоий иш (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

– Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ходимининг дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва табиий илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсати ва ислохотларнинг мазмун моҳиятини тушуниши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– Мамлакатимизда амалга ошириладиган янгиланишлар, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва дунё миқёсида содир бўладиган ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, давлат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда касбий фаолиятида фойдалана билиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

– Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, ёрдамга муҳтож аҳоли қатламлари билан ишлаш, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

– тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва амалиётда қўллаш, меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– хорижий тиллардан бирини сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

2.2. Касбий компетенциялар:

- Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- Маҳаллаларда музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7.

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

фуқаро, маҳалла, оила, ўзини ўзи бошқариш, ижтимоий иш назарияси, ижтимоий ишчи, ижтимоий сиёсат, ижтимоий иш йўналиши, ижтимоий ишчининг функцияси ва роли, ижтимоий иш методлари, ижтимоий психология, ижтимоий диагностика, ижтимоий инфраструктура, ижтимоий терапия, ижтимоий геронтология, шахсларо конфликт, ижтимоий мослашув, соғлом турмуш тарзи, ижтимоий ишнинг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқий қафолат, Ижтимоий таъминот ҳуқуқи, солиқ сиёсати, пенсия таъминоти, камбағалликни қисқартириш, демография, инсон капитали, психология, педагогика, ижтимоий сиёсат муаммолари, ижтимоий бошқарув, васийлик ва ҳомийлик, ўзини ўзи бошқарувчи органлари, маҳалла фуқаролар йиғининг функциялари, оилавий тадбиркорлик, инклюзив таълим, аҳоли бандлиги, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий қафолат, ижтимоий хизмат, ижтимоий суғурта, уруш ва меҳнат фаҳрийлари пансионати, Мурувват уйи, Саховат уйи, ижтимоий институтлар, тиббий-ижтимоий реабилитация, ижтимоий хизмат кўрсатиш, пенсия таъминоти, оила ва гендер, ижтимоий нафақа, пенсия жамғармаси, ижтимоий таъминот.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН



М.Ў.

Ўзбекистон Миллий университети

Ректор  И.У.Маджидов

2021 йил « 20 » 08

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М. Эсонов

2021 йил « 25 » 08

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Наманган Давлат Университети



Ректор  С. Тургунов

2021 йил « 20 » 08

Ўзбекистон Республикаси
Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш
вазирлиги хузуридаги “Маҳалла ва
оила” илмий-тадқиқот институти

Директор  Н.М. Эгамбердиева



2021 йил « 23 » 08

1

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режасига

ТАҚРИЗ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари) таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори ҳамда ЎЗР ОўМТВ нинг ЎЗР ОўМТВ нинг 2018 йил 6 июндаги “Олий таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги №87-02-1322-сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январдаги №3 сонли “Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тамойилларга амал қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига мувофиқ “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” белгилаб берилган. Унга кўра аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда янги йўналиш жамиятимиз тараққиёти учун хизмат қилади.

Ўзбекистонда маҳалла яъни ўзини ўзи бошқариш органларини аҳамияти жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, бу институт жамиятимизнинг ижтимоий ҳаётида асосий драйвер вазифасини бажаради. Ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш, бўлажак мутахассислар учун Ўзбекистонда ижтимоий ишнинг касб сифатида шаклланиши ва ривожланиши жараёнида ўхшаш ҳодиса ва жараёнлар башорат қилиш нуқтаи назарида қизиқиш уйғотади. Ишлаб чиқилган МТнинг ва ўқув режасининг асосий мақсади талабаларни келгусида 60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари) соҳаси мутахассиси бўлиши учун асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий университетида бакалаврият таълим йўналиши малака талабларининг мазкур лойиҳаси амалда қўлланилган шакллари билан ажралиб турибди. Мазкур бакалаврлар тайёрлаш фарқ қилиши билан МТларнинг тузилиши ва унинг мазмуни белгиловчи бандларнинг ҳар бирида ижтимоий иш ходимларини тайёрлашнинг зарурий мазмуни ва унинг амалий жиҳатлари ўз аксини топган.

60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари) бакалаврият таълим йўналишининг малака талабларини тузилиши ва мазмуни малака талабларини ишлаб чиқиш асослари, қўлланиш соҳаси, атамалар, таърифлар, таълим йўналишининг тавсифи, бакалаврнинг тайёгарлик даражасига қўйиладиган талаблар, малака талабларининг амал қилиш муддати бандлари асосида ёритиб берилган.

60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари) бакалаврият таълим йўналишининг МТнинг ҳар бир банди бакалаврларни тайёрлаш жараёни ва унинг келажакда касбий фаолиятни олиб боришини таъминлашга йўналтирилган фаолият соҳалари, фаолият объектлари, тайёрлаш жараёнинг вақт меъёрлари, таълим жараёни билан мутахассис сифатида фаолият олиб бориш учун зарур билим, кўникма ва малака талабларининг аниқ мезонларини келтирилганлиги билан изоҳланади.

60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги ўқув фанлари илмий фаолият турлари ҳамда уларнинг вақт меъёрлари аниқ ва изчилликда жойлаштирилган. Ўқув режадаги ўқув фанлари ва илмий фаолият турлари МТнинг мазмунида акс этган.


Шунингдек, мазкур МТ лойиҳасида бакалаврнинг малака амалиётига бўлган талабларни аниқ белгиланганлиги кадрлар буюртмачиларининг мутахассис фаолиятини баҳолаш имконини беради.

60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари) бакалаврият таълим йўналишининг малака талабларини ва ўқув режасини бакалаврлар тайёрлаш жараёнига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари) бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаси белгиланган тартибда тасдиқлашга тавсия этиш мумкин.

Фар.ДУ “Ижтимоий иш кафедраси”
муdiri, и.ф.н. доцент

М.М.Абдурахмонова



Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 60920100-ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига кўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режасига

ТАҚРИЗ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори ҳамда ЎЗР ОЎМТВ нинг ЎЗР ОЎМТВ нинг 2018 йил 6 июндаги “Олий таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги №87-02-1322-сонли буйруғи билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

Бугунги кунда демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш ва аҳолини турмуш тарзини янада такомиллаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда. Жамиятда амал қилувчи ижтимоий қонунларни билиш ва улардан фойдаланишга онгли муносабатда бўлиш, мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодий бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш жараёнлари моҳиятини тушуниш учун зарур ҳисобланади. Ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш, бўлажак мутахассислар учун Ўзбекистонда ижтимоий ишнинг касб сифатида шаклланиши ва ривожланиши жараёнида ўхшаш ҳодиса ва жараёнлар баъворат қилиш нуқтаи назарида қизиқиш уйғотади. Чет эл тажрибасини ўзлаштириш жараёни, аввало ижтимоий муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистоннинг тарихий хусусиятлари ва иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўз ёндошувларини ишлаб чиқиши учун зарурдир.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, МТнинг ва ўқув режасининг асосий мақсади талабаларни келгусида 60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) соҳаси мутахассиси бўлиши учун асос ҳисобланади.

Бугунги кунда жамиятда ижтимоий иш ходимларига бўлган эҳтиёж тобора кенгайиб бормоқда. Мутахассисларга бўлган эҳтиёж уларнинг тайёрлаш жараёни зарурий чора-тадбирлар, таълим жараёнини тўғри ташкил этиш, зарур меъёрий ҳужжатларнинг даврга мос ҳамда мутахассислар тайёрлаш жараёнининг амалий аҳамиятига нисбатани ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Миллий университетида тайёрланган 60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) бакалаврият

таълим йўналиши малака талабларининг мазкур лойиҳаси амалда қўлланилган шаклларида фарқ қилиши билан ажралиб турибди. Мазкур бакалаврлар тайёрлаш МТларнинг тузилиши ва унинг мазмунини белгиловчи бандларнинг ҳар бирида ижтимоий иш ходимларини тайёрлашнинг зарурий мазмуни ва унинг амалий жиҳатлари ўз аксини топган.

60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) бакалаврият таълим йўналишининг малака талабларини тузилиши ва мазмуни малака талабларини ишлаб чиқиш асослари, қўлланиш соҳаси, атамалар, таърифлар, таълим йўналишининг тавсифи, бакалаврнинг тайёгарлик даражасига қўйиладиган талаблар, малака талабларининг амал қилиш муддати бандлари асосида ёритиб берилган.

60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) бакалаврият таълим йўналишининг МТнинг ҳар бир банди бакалаврларни тайёрлаш жараёни ва унинг келажақда касбий фаолиятни олиб боришини таъминлашга йўналтирилган фаолият соҳалари, фаолият объектлари, тайёрлаш жараёнини вақт меъёрлари, таълим жараёни билан мутахассис сифатида фаолият олиб бориш учун зарур билим, кўникма ва малака талабларининг аниқ мезонларини келтирилганлиги билан изоҳланади.

60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги ўқув фанлари илмий фаолият турлари ҳамда уларнинг вақт меъёрлари аниқ ва изчилликда жойлаштирилган. Ўқув режадаги ўқув фанлари ва илмий фаолият турлари МТнинг мазмунида акс этган.

Шунингдек, мазкур МТ лойиҳасида бакалаврнинг малака амалиётига бўлган талабларни аниқ белгиланганлиги кадрлар буюртмачиларининг мутахассис фаолиятини баҳолаш имконини беради.

60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) бакалаврият таълим йўналишининг малака талабларини ва ўқув режасини бакалаврлар тайёрлаш жараёнига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаси белгиланган тартибда тасдиқлашга тавсия этиш мумкин.

ЎЗМУ “Ижтимоий иш кафедраси”
доценти, социология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)



В.С.Алексеева

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши малака талаблари ва ўқув режасига

ТАҚРИЗ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) таълим йўналиши малака талаблари талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019–2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359-сон Қарорлари билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган. XXI-асрда демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш ва аҳолини турмуш тарзини янада такомиллаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда. Жамиятда амал қилувчи ижтимоий қонунларни билиш ва улардан фойдаланишга онгли муносабатда бўлиш, мамлакатни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш жараёнлари моҳиятини тушуниш учун зарур ҳисобланади. Ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш, бўлажак мутахассислар учун Ўзбекистонда ижтимоий ишнинг касб сифатида шаклланиши ва ривожланиши жараёнида ўхшаш ҳодиса ва жараёнлар башорат қилиш нуқтаи назарида қизиқиш уйғотади. Чет эл тажрибасини ўзлаштириш жараёни, аввало ижтимоий муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистоннинг тарихий хусусиятлари ва иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўз ёндошувларини ишлаб чиқиши учун зарурдир.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, МТнинг ва ўқув режасининг асосий мақсади талабаларни келгусида Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) соҳаси мутахассиси бўлиши учун асос ҳисобланади.

Бугунги кунда жамиятда ижтимоий иш ходимларига бўлган эҳтиёж тобора кенгайиб бормоқда. Мутахассисларга бўлган эҳтиёж уларнинг тайёрлаш жараёни зарурий чора-тадбирлар, таълим жараёнини тўғри ташкил этиш, зарур меъёрий хужжатларнинг даврга мос ҳамда мутахассислар тайёрлаш жараёнининг амалий аҳамиятига нисбатани ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Миллий университетида тайёрланган 60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) бакалавриат таълим йўналиши малака талабларининг мазкур лойиҳаси амалда қўлланилган шакллари билан ажралиб турибди. Мазкур бакалаврлар тайёрлаш МТларнинг тузилиши ва унинг мазмунини белгиловчи бандларнинг ҳар бирида ижтимоий иш ходимларини тайёрлашнинг зарурий мазмуни ва унинг амалий жиҳатлари ўз аксини топган.

60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини тузилиши ва мазмуни малака талабларини ишлаб чиқиш асослари, қўлланиш соҳаси, атамалар, таърифлар, таълим йўналишининг тавсифи, бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар, малака талабларининг амал қилиш муддати бандлари асосида ёритиб берилган.

60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) бакалавриат таълим йўналишининг МТнинг ҳар бир банди бакалаврларни тайёрлаш жараёни ва унинг келажақда касбий фаолиятни олиб боришини таъминлашга йўналтирилган фаолият соҳалари, фаолият объектлари, тайёрлаш жараёнининг вақт меъёрлари, таълим жараёни билан мутахассис сифатида фаолият олиб бориш учун зарур билим, кўникма ва малака талабларининг аниқ мезонларини келтирилганлиги билан изоҳланади.

60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги ўқув фанлари илмий фаолият турлари ҳамда уларнинг вақт меъёрлари аниқ ва изчилликда жойлаштирилган. Ўқув режадаги ўқув фанлари ва илмий фаолият турлари МТнинг мазмунида акс этган.

Шунингдек, мазкур МТ лойиҳасида бакалаврнинг малака амалиётига бўлган талабларни аниқ белгиланганлиги кадрлар буюртмачиларининг мутахассис фаолиятини баҳолаш имконини беради.

60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларини ва ўқув режасини бакалаврлар тайёрлаш жараёнига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагиларни барчасини ҳисобга олиб 60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаси белгиланган тартибда тасдиқлашга тавсия этиш мумкин.

ЎзМУ социология кафедраси
доценти, соц.ф.ном.



А.Н.Алиқориева

Илова

60920100-Ижтимоий иш (фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари)
бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

Т.р.		Фанлар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00		Мажбурий фанлар	5220
1.02	OMTB110	Олий математика	150
1.03	UYTB104	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	120
1.04	FALB204	Фалсафа	120
1.05	URTB104	Ўзбек (рус) тили	120
1.06	XJTB106	Хорижий тил	180
1.07	UTSB403	Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши	90
1.08	JTSB102	Жисмоний тарбия ва спорт	60
1.09	UPPB308	Умумий педагогика ва психология	240
1.10	ITNB105	Ижтимоий иш тарихи ва назарияси	150
1.11	SOTB104	Социология	120
1.12	IJSB114	Ижтимоий сиёсат	420
1.13	ITNB110	Ижтимоий таъминот ҳуқуқи	300
1.14	OINB106	Оила ҳуқуқи	180
1.15	GKSB209	Гуманитар кризислар шароитида ижтимоий иш	270
1.16	ITAB309	Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари	270
1.17	MOMB213	Маҳалла ва оила муаммоларини ўрганишда социологик тадқиқотларни ўтказиш методикаси ва техникаси	390
1.18	OGSB212	Оила ва гендер социологияси	360
1.19	DISB312	Демография ва ижтимоий статистика	360
1.20	IKBB306	Ижтимоий конфликтлар ва уларни бошқариш	180
1.21	NIIB205	Ногиронлар билан ижтимоий иш	150
1.22	OABB206	Оилалар, аёллар ва болалар билан ижтимоий иш амалиёти	180
1.23	FO'BB310	Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларида менежмент	300
1.24	TZJB410	Тазйиқ ва зўравонликлардан жабр кўрганлар билан ижтимоий иш	300
1.25	KIIB407	Кексалар билан ижтимоий иш	210
2.00		Танлов фанлар	960
		Жами	6180
		Малакавий амалиёт	570
		Якуний давлат аттестацияси	450
		Жами	1020
		Ҳаммаси	7200

Ўқув ишлари бўйича проректор



Ш.Тошматов